



2018 у.г. «21» май

№ 895-К

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан сув
иншооти қурилишини лойиҳалаштириш учун ер майдони танлаш ва ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддаси (ер участкаларини
реализация қилишга, Ўзбекистон Республикаси Республикасининг
шаҳарсозлик кодексининг 20-моддаси (Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти
орگانларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари)га, “Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги ПҚ-3630-сонли “2018 йилда
“Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер
участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш
комиссиясининг далолатномасига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат
Ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-25-моддасига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш, реализация қилиш
масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг “Навбахор” маҳалла фуқаролар
йиғини ҳудудидан янги сув иншооти қуриш ва тармоқ тортишни лойиҳалаштириш
учун ер участкасини танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги далолатномаси тасдиқлансин
(далолатнома илова қилинади).
2. “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан массив бош режасига
сув иншооти қуриш ва тармоқ тортишни лойиҳалаштириш учун шаҳар
ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонларидан 0,03 гектар ер майдони танлаш
масаласини ҳал қилиш.
3. Шаҳар бош архитектори (О.Розиков)га шаҳар ер ҳисоботиға тегишли
маълумотларни ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг
вазифасари Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов